

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” АЖ
Ягона акциядорининг
2024 йил “31” июлдаги
4-2024 - сон қарорига
3 – илова

“МАЪҚУЛЛАНГАН”
“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” АЖ
Кузатув кенгашининг
2024 йил “29” апрелдаги
6/24 - сон йигилиш баёнига
4 - илова

**“Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик
жамиятининг дивиденд сиёсати тўғрисидаги
НИЗОМ**

“КИРИТИЛДИ”
“Тадбиркорликни ривожлантириш
компанияси” АЖ
Ижроия органи

Тошкент – 2024 йил

МУНДАРИЖА

- I. Умумий қоидалар**
- II. Дивидендлар миқдорини аниқлаш ва қўшиб ҳисоблаш тартиби**
- III. Дивидендларни тўлаш тартиби ва муддатлари**
- IV. Эълон қилинган дивидендлар тўлови учун жавобгарлик**
- V. Ахборотларни ошкор қилиш тартиби**
- VI. Якуний қоидалар**

I. Умумий қоидалар

1. “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамиятининг дивиденд сиёсати тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда - Низом) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Жамият) Устави, “Корпоратив бошқарув кодекси” ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низомда Жамиятнинг дивиденд сиёсатида акс эттирилиши ва ошкор қилиниши лозим бўлган умумий масалалар келтирилган.

2. Жамиятнинг дивиденд сиёсати акциядорлар фаровонлигини оширишга ва Жамият капиталлашувининг ўсишини таъминлашга қаратилган. Низом ўзининг акциядорларни ва бошқа манфаатдор шахсларни Жамиятнинг дивиденд сиёсати ҳақида хабардор қилиш мақсадига эга.

Мазкур Низом Жамият Кузатув кенгашининг дивидендлар миқдори бўйича ҳамда акциялар ва уларни тўлаш тартиби ҳақида тавсиялар ишлаб чиқиш борасидаги ёндашувини белгилаш учун мўлжалланган.

Агар Жамият акциядорларига дивидендлар тўлаш билан боғлиқ қайсиdir масалалар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукуқларининг ҳимояси тўғрисида”ти Қонуни нормалари билан, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий ҳужжатлари билан Жамият устави ва ушбу Низом билан тартибга солинмаган бўлса, ундан тақдирда улар акциядорларнинг ҳукуқ ва манфаатларини таъминлаш заруратидан келиб чиқиб ҳал қилинмоғи лозим.

3. Ушбу дивиденд сиёсати **2024-2026 йиллар** учун ишлаб чиқилган.

Бу даврда Жамият томонидан олинган соф фойданинг **50 фоизини** дивиденд тўловларига йўналтирилади. Маблағларнинг қолган қисми акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида Устав фондини капитализация қилган ҳолда Жамиятни ривожлантиришга, умумий мақсадли захира фондини шакллантиришга, шунингдек, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи аъзоларини рағбатлантиришга йўналтирилиши мумкин.

4. Жамият капиталлашувининг ўсишига акциядорларнинг Жамият акцияларидан даромадлар чиқариш бўйича мулкий манфатларини қондиришнинг асосий усули сифатида қарайди. Дивиденд сиёсати Жамият томонидан олинган фойданинг истеъмол қилинадиган ва акцияларнинг бозор баҳосини ошириш мақсадида капиталлаштириш ўртасидаги нисбатни мақбуллаштиришдан иборат.

5. Жамиятнинг Дивиденд сиёсати қўйидаги асосий тамойилларга асосланади:

шашфоффлик тамойили, бунда, дивиденд сиёсатини амалга оширишда иштирок этаётган томонларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги тұғрисидаги, шу жумладан, дивидендлар түлови ва микдори хусусида қарор қабул қилиш тартиби ва шартлари борасидаги ахборотларни аниқлаш ва ошкор этиш назарда тутилади;

ұз вақтидалик тамойили, дивиденд түловларини амалга ошириш өткізаңда вакт чегараларини үрнатышни назарда тутади;

асосланғанлық тамойили, бу дивидендлар түлови ва микдори тұғрисидаги қарор, фақат Жамият томонидан тараққиёт режалари ва унинг инвестицияйй дастурларини инобатта олган ҳолда, ижобий молиявий натижаларға әришилған тақдирдагина қабул қилиниши мүмкінлегини англаради;

адолатлилық тамойили, акциядорларнинг дивидендлар түлови, микдори ва тұлаш тартиби тұғрисида қабул қилинадын қарорлар борасидаги ахборотларни олишга бүлгап тенг ҳуқуқларини таъминлашни англаради;

изчиллик тамойили, дивиденд сиёсати процедуралари ва тамойилларининг ижро этилишини англаради;

ривожланиш тамойили, корпоратив бошқарув тартиб-қоидаларини яхшилаш ва Жамиятнинг стратегик мақсадлари үзгариши муносабати билан унинг қоидаларини қайта күриб чиқып доирасыда дивиденд сиёсатини доимий такомиллаштиришни күзда тутади;

барқарорлық тамойили, Жамиятнинг дивиденд түловларининг давомийлик даражасини таъминлашга интилишини англаради.

6. Жойлаштирилған акциялар бүйіча дивидендлар тұлаш тұғрисида қарор қабул (эълон) қилиш Жамиятнинг мажбурияты эмас, балки ҳуқуқи ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жойлаштирилған акциялар бүйіча дивидендлар тұламаслик тұғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига зерттеуде.

7. Эълон қилинған дивидендларни тұлаш Жамиятнинг мажбурияты ҳисобланади.

Дивидендларни тұлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, солиқларни ҳисоблаш ва ушлаб қолиши, дивидендларни күчириш харажатлари, пошта харажатлари), бошқарув органдарининг қарори билан дивидендлар олувчи акциядорнинг зыммасига юклатилиши мүмкін эмас. Жамият ушбу мажбуриятни бажармаганлық учун акциядорлар олдида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилігінде мурасама жеткізгіштік жағдайда қарор қабул қилиш ҳуқуқига зерттеуде.

8. Қуйидаги ҳолларда акциялар бүйіча дивидендлар ҳисобланмайды ва тұлана майды:

муоамалага чиқарылмаган (жойлаштирилмаган);

Жамият балансига сотиб олинған ва/ёки пул тұлаб қайтарып олинған;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

9. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 54-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда Жамият акциялар бўйича дивиденdlарни тўлаб бериши ёки тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

II. Дивиденdlар миқдорини аниқлаш ва қўшиб ҳисоблаш тартиби

10. Жамият жойлаштирилган акциялар бўйича молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойлиги натижалари бўйича ва (ёки) молиявий йил натижалари бўйича дивиденdlар тўлаш тўғрисида қарор қабул (эълон) қилиш ҳуқуқига эга (8-бандда кўрсатилганлар бундан мустасно).

Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойлиги натижалари бўйича дивиденdlар тўлаш тўғрисидаги қарор (эълон) тегишли давр якунлангандан кейинги уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.

Дивиденdlар Жамият ихтиёрида қолган соф фойдасидан ва (ёки) олдинги йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивиденdlар Жамиятнинг бунинг учун маҳсус мўлжалланган фондлар ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин. Бунда, дивиденdlарни ўз вақтида тўланиши ва Жамият оборотидан дивиденdlар тўлови учун маблағлар олиниши туфайли Жамиятнинг молиявий аҳволи ёмонлашишнинг олдини олиш мақсадида Жамият томонидан ўз фойдаси ҳисобидан умидсиз дебиторлик қарzlари бўйича захира фонди ташкил қилинади.

11. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳар бир тоифадаги акциялар бўйича дивиденdlар тўлаш ҳақида қарор қабул (эълон) қиласи. Жамиятнинг Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишига акциялар бўйича дивиденdlар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар тақдим этади. Дивиденdlар миқдори Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилганидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

12. Акциядорлар умумий йиғилишининг дивиденdlар тўлаш ҳақидаги қарор (эълон) билан қуйидагилар аниқланиши лозим:

акцияларнинг улар бўйича дивиденdlар тўланадиган (эълон қилинадиган) тоифаси (тури)ни;

муайян тоифадаги битта акцияга тўланадиган ҳисобдан келиб чиқсан ҳолда дивиденd миқдорини;

дивиденdlар тўлаш муддати ва тартибини ва даврийлиги.

Бунда, Жамият қонун билан белгиланган ҳолатларда, қонун билан белгиланган муддатларда оддий акциялар бўйича дивиденdlарни тўлиқ тўлаш имконияти бўлмаган тақдирда, дивиденdlар тўлови (эълони) тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Акциядорлар йиғилишига барча турдаги акциялар бўйича тавсия этиладиган дивиденdlар миқдори Кузатув кенгаши томонидан қўйидаги омиллардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади:

ишончлилиги аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган молиявий ҳисобот маълумотларига кўра соф фойда миқдори;

келгуси даврлар учун Жамиятнинг молиявий-хўжалик режасини;

Жамиятнинг тегишли давр охирида муомалада бўлган воситалари тузилишини;

Жамиятнинг тегишли давр охиридаги қарз юкини.

13. Тавсия этиладиган дивиденdlар миқдорини аниқлаш чоғида Кузатув кенгаши Жамиятнинг келгуси даврларга мўлжалланган молиявий хўжалик режаларини, Жамиятнинг муомалада бўлган воситалари ва мажбуриятларининг жорий ва истиқболдаги ҳолатини эътиборда тутмоғи лозим. Жамият акциядорларининг Умумий йиғилишига Кузатув кенгаши томонидан тавсия этиладиган дивиденdlар тўлови, Жамият томонидан келгуси даврлар учун тасдиқланган молиявий-хўжалик режасида кўзда тутилмаган қўшимча қарзга оид молиялаштиришлар жалб этилишига олиб келмаслиги лозим.

III. Дивиденdlарни тўлаш тартиби ва муддатлари

14. Жамият дивиденdlарни пул воситалари билан ёки тўловнинг бошқа қонуний воситалари билан ёхуд жамиятнинг қимматли қофозлари билан тўлайди. Эълон қилинган дивиденdlар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида тўланади ёки акциядор - Ўзбекистон Республикаси норезидентнинг ёзма талаби бўйича Жамият унга қўшиб ҳисобланган дивиденdlарнинг эркин конвертацияланадиган валютага конвертациясини, маблағларни акциядор-норезидент томонидан тақдим этилган банк ҳисобварағига ўтказган ҳолда, амалга оширишга мажбур.

15. Дивиденdlарни тўлаш муддати акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади, бироқ умумий йиғилиш томонидан дивиденdlар тўлаш ҳақида қарор қабул қилинган қундан бошлаб 60 кундан ошмаслиги лозим.

16. Башарти агар Жамиятнинг қимматли қофозлари эгалари қўшиб ҳисобланган дивиденdlарни акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан

белгиланган муддатларда ололмаган бўлсалар, Жамият бундай (олинмай ётган) дивидендларни тўлашда давом этади. Олинмай ётган дивидендларни тўлаш даври Жамият томонидан эълон қилинган дивидендларни тўлаш бўйича мажбуриятини ижро этиш муддати тутаган санадан бошлаб уч йилдан ошмаслиги лозим.

17. Дивидендлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда Жамиятнинг айби билан тўланмаган (олинмаган) тақдирда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкасидан келиб чиқсан ҳолда пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пенялар миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

18. Жамиятнинг ўз функциялари қаторида акциядорлар билан ишни ташкил этиш ва олиб боришга масъул бўлган таркибий бўлинмаси Жамиятнинг бухгалтерияси билан биргаликда Жамият томонидан дивидендларни тўлаш бўйича ушбу Низомда кўзда тутилган барча тадбирларни тайёрлаш, мувофиқлаштириш ва ўтказишни амалга оширади.

19. Ҳар қандай акциядор акциялар бўйича дивидендларни ҳисоб-китоб қилиш тартиби, дивидендлар сумасини қўшиб ҳисоблаш ва солиқقا тортиш тартиби тўғрисида, тўлаш шартлари хусусида ахборот тақдим этиш сўрови билан Жамиятга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

20. Акциядорлар томонидан дивиденд тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида қайд қилинган шахслар акциялар бўйича дивидендлар олиш ҳуқуқига эга саналади.

21. Акциялар ҳиссали мулкчиликда бўлган тақдирда, дивиденд акциядорлар ўртасида, Рўйхатга олувчидар мавжуд ҳужжатларга мувофик, уларнинг улушига мутаносиб равишида тақсимланади.

22. Акциядор ўз маълумотларидағи ўзгаришлар киритилганлиги тўғрисида ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачисини ва/ёки Қимматли қофозлар марказий депозитарийсини зудлик билан хабардор қилиши шарт. Акциядор ўз маълумотидаги ўзгаришлар тўғрисида маълумот бермаган ҳолларда, Қимматли қофозлар марказий депозитарийси ва унинг акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш бўйича хизматларни кўрсатувчи инвестиция воситачиси акциядорга шу билан боғлиқ ҳолда етказилган заарлар учун жавобгар бўлмайди.

23. Башарти агар акциядор ўзининг банк реквизитларини ёки дивидендларни ўтказиш манзилини нотўғри кўрсатган бўлса ёки кўрсатиб ўтилган реквизитлар ҳақида Жамиятга хабар бермаган бўлса ёхуд улар ҳақида ўз вақтида хабар қилмаган бўлса, булар туфайли акциядорга етказилган заарлар учун Жамият жавобгар ҳисобланмайди. Ушбу бандда кўрсатилган сабаблар туфайли акциядорнинг айби билан нотўғри ўтказилган дивидендлар суммаси Жамиятга қайтарилигандан сўнг, уларни акциядорга аниқлаштирилган реквизитлар бўйича уларни қайтариш ва такорий ўтказиш учун кетган харажатлар ушлаб қолинган ҳолда амалга оширилади.

24. Жамият акциядорларга ўзларига тегишли акциялар бўйича даромадларни тўлаш чоғида солиқ агенти ҳисобланади ва қўшиб ҳисобланган дивидендларни тўлашни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар учун ўрнатилган солиқларни ушлаб қолган ҳолда амалга оширади. Ўзига нисбатан солиққа тортишнинг стандарт ставкалари қўлланилмайдиган акциядор, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тасдиқловчи ҳужжатларни Жамиятга (унинг тарафидан жалб этилган Тўлов агентига) тақдим этади.

IV. Эълон қилинган дивидендлар тўлови учун жавобгарлик

25. Жамият ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлашга мажбур.

26. Дивидендларни тўланишида акциядорлардан ҳеч бири тўлов муддатлари бўйича устуворликка эга эмас.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисоблаб ёзилган дивидендлар тўлови акциядорларнинг дивидендлар олиш учун тенг хукуқларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Бунда, Жамият белгиланган муддатларда миноритар акциядорларга дивидендлар тўлови таъминланмайдиган бўлса, йирик акциядорга дивидендлар тўлаш хукуқига эга эмас.

27. Жамият акциядорларига дивидендларни тўлиқ ва ўз вақтида тўлаш учун Жамиятнинг Ижроия органи жавобгар ҳисобланади. Ижроия органнинг хатти-ҳаракатлари устидан назорат Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

28. Қўшиб ҳисобланган дивидендлар тўловини таъминлаш мақсадида Кузатув кенгаши ўз мажлисларида дивидендлар тўловининг бориши ҳақидаги масалани кўриб чиқади. Жамият Ижроия органининг айби билан дивидендлар тўлиқ ёки ўз вақтида тўланмаган тақдирда Кузатув кенгаши айборд

шахсларнинг жавобгарлиги чораларини белгилайди ва тегишли санкциялар
қўллайди ёки уларни қўллашни бошлайди.

29. Жамият томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда,
акциядорлар ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни
тўлашни суд тартибида талаб қилишга ҳақли.

30. Дивидендлардан солиқ ушлаб қолиш ва ўтказиш юзасидан Жамият
зиммасига юклатилган солиқ агенти мажбуриятларини бажармаганлик ёки
муносиб тарзда бажармаганлик учун Жамият Ўзбекистон Республикаси
қонунчилигига мувофиқ жавоб беради.

V. Ахборотларни ошкор қилиш тартиби

31. Ушбу Низом ҳамда унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар
Жамият томонидан Жамиятнинг интернет тармоғидаги веб-сайтида
Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига назарда тутилган
муддатларда ошкор этилади.

32. Жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши натижалари бўйича
ахборотни аҳамиятли фактлар тўғриси хабарлар шаклида қонунчиликда кўзда
тутилган муддатларда ошкор этади. Бундай ҳолда, Жамият акциядорларга
дивидендлар ҳисобланганлиги тўғрисида электрон почта орқали хабарнома
юборади.

33. Жамият томонидан дивидендлар тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини
ижро этганлик фактига доир тегишли ахборотни Жамият аҳамиятли фактлар
тўғриси хабарлар шаклида қонунчилик томонидан ўрнатилган муддатларда
ошкор этади.

VI. Яқуний қоидалар

34. Мазкур Низом, шунингдек унга киритиладиган ўзгартириш ва
қўшимчалар акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланади.

35. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Жамиятнинг Кузатув
кенгashi, Жамият ички аудит хизмати аъзолари, Жамиятнинг ижроия органи
раҳбари таклифлари бўйича киритилади.

36. Башарти агар мазкур Низомнинг айрим моддалари Ўзбекистон
Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан ва/ёки Жамият Устави билан
зид келиб қолса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ҳамда Низомга тегишли
ўзгартиришлар киритилгунга қадар мазкур моддалар билан тартибга
солинувчи масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги
қонунчилигига ва/ёки Жамият Уставига таяниб иш кўриш жоиз.